

Поён Равшанов

ЗАВОЛ

Тошкент
«Езувчи» нашриёти
1991 йил

Равшанов, Поён. Завол: Кисса.— Т.: Ёзувчи, 1991,— 224б.

Мўмин Мирзо... Алишер Навоий... Ҳусайн Бойқаро... яна бир неча матлуб ва номатлуб шахсларнинг ўзаро муносабатлари, 1497 йилнинг баҳоридан кузига қадар кечган таҳликали воқеалар мазкур киссанинг юзага келишига туртки бўлди.

Тарих таъинининг хуш кўрмайди. Унга дағал муносабатда бўлинса, чок-чокидан сўкилиб кетиши табиийдир. Қўлингиздаги қисса тарихнинг ана шундай муносабат туфайли пароканда бўлган саҳифаларини қайта тиклаш йўлидаги дастлабки дадил уринишдир.

Равшанов, Поён. Убийство Мумина Мирзы.

Ўз2

4702620201
Р _____ 13.91
М 352(04) 91

ISBN 5—8255 --0013 8

© Поён Равшанов. 1991 й.

1. НОТИНЧ ҚУН

Қила олгонча бўлсун шиоринг,
Ки яхши от қолгай ёдгоринг.

Алишер Навоий.

Киш оёқлаб, Хуросонда 1497 йил кўклами бошланмоқда эди. Совуқнинг захри қайтиб, кўкни қора булутлар қарвони қоплади. Ҳиротнинг шимолий қифтида босиб келаётиб, бирдан тўхтаб қолган лашкардек Мухтор тоғи узала тушиб ётади. Тоғнинг офтобруё этакларида ўт-ўлан нишлаб қолган. Узоқда, зовларини кўкиш ғубор қоплаган Дубароран дарасида қор кўриниб туради. Эрталаб бир зум ғириллаб шамол эсади-да, тоғнинг совуқ ҳовурини шаҳар сари ҳайдайди.

Алишер Навоий ва Хожа Дехдор Сарипули Инжил жомеъсидан бошлашиб чиқдилар. Шоир тепалик пастида оқиб ётган Оби чакон жилғаси томон бурилди. Хожа Дехдор дўстининг одатига хилоф бу ишига ажабланиди-да, унга эргашди.

Бу йил киш Ҳиротда серёғин кечди. Қор кўп тушди. Гозургоҳ мавзеининг Мухтор тоғи домонларига қадар чўзилган далаларида қор отнинг ўмганига чиқди. Шаҳар ичида, подшоҳ девонхоналари жойлашган Боғи шаҳрга яқин бўлган Гавҳаршод бегим жомеъсига қатнайдиган қиборлар совуқ захмидан уйдан чиқолмай қолди. Алишер Навоий ҳам киш давоми уйига бир қадам бўлган Сарипули Инжил масжидига бориб турди. Ўзи бино қилдирган бу жомеъ Ҳиротнинг эътиборли масжидларидан бўлиб, Инжил ариғи бўйида вужудга келган маҳалла-қуйга хизмат қиларди.

Бомдод намози ўқилгач, Алишер Навоий жомеъда қолар, узоқ-яқиндан келган кишилар билан суҳбатлашиб ўтирарди. Таниш-билишлар кўринмай қолса, оила-

си тинчми, уст-боши бутми, ош-суви борми, ҳаммасини сўраб-суриштирарди. Муҳтожлар кўп бўлса-да, хайр-саховатини аямас, беморли рўзгорларга алоҳида ғам-хўрлик кўрсатарди. Шоирнинг «Ихлосия» мадрасасини хатми кутуб қилиб, шу кунларда унинг хазинабони мартабасига кўтарилган Бахлулбек дарвоза ёнида куннишиб ўтирадиган бева-бечораларга дон-дун, пўстин-чакмон улашишдан эринмасди. Шаҳар теграсида Ғизон, Сайнан, Дарғаро ва Ҳасан қишлоқларидан умидвор келувчи фуқаро кўп бўларди.

Оҳиста юриб келаётган Алишер Навоий ва Хожа Дехдор Оби чакон кўпригига яқинлашиб қолдилар. Хожа шоирнинг авзойига қараб, гапнинг қаловини топгучи эди. Эрталабки таҳоратдан сўнг, шоирнинг юпка лаблари қимтилиб, оғзига мум солиб олгандек эди. Хожа Дехдор билдики, у нимадандир дилтанг. Алишербек бундай пайтларда ҳазил-хузулни ёқтирмас, ўз ўйлари билан бўларди. Шоир хаёл оғушида экан, ҳеч қимшинг унга халал беришга ҳадди сизмасди. «Амниятмидур? Кеча окшом хотиржам эрди-ку,— ўзича мулоҳаза қила бошлади Хожа Дехдор,— ёинки, тунда бир кори-ҳол юз бермиш?»

Хиротда, балки бутун Хуросону Мовароуннаҳрда Алишер Навоийга Хожа Дехдордек яқин биродар, азиз дўст бўлмаса керак. Хожа Ғиёсиддин Муҳаммад Дехдорнинг асли Озарбайжондан. Бу икки зотнинг танишуви, биродарлашуви қизиқ бўлган. Хожа Дехдор баъзан мутойиба қилиб, «Мен билан дўстлашиш Мир жанобларига ўн беш қўйга тушган», деб қўяди. Унинг бу гапида жон бор. Ешлигидан илму ҳунарга ҳавас қўйган Ғиёсиддин Муҳаммад билмаган соҳа йўқ эди. У Алишер Навоийнинг Озар мулкларидан ҳам кадр тутган рангин ғазалиётини жондан севиб қолган, унга ғойибона ихлос ва меҳр қўйган эди. Хожа Дехдор Алишербекнинг ота юрти Мовароуннаҳрдан Хиротга қайтиб келганини, салтанатда обрў-эътиборга ноил

бўлганини эшитиб, у билан дийдорлашмоқ умидида узок йўл босиб Ҳиротга етиб келади.

Уша йиллари Самарқанддан келиб, султоннинг муҳрдори даражасига кўтарилган шоирни кўришга талабгорлар кўп бўларди. Унинг эшигидан мамлакатнинг олис пучмоқларидан келган арзгўйлар, толиби илмлар, аҳли шуаро, олиму фозиллар оёғи узилмасди. Табиатан нозикмижоз бўлган шоир билан дўстлашиб кетиш ҳаммага насиб бўлавермасди. У вақтини қизғанар, бесамар суҳбатлардан ўзини йироқ тутарди. Билимдон, салоҳиятли кишиларни севар, уларга бир умр боғланиб коларди. Унинг доимий улфатлари тўрт-беш киши эди. Булар — муаммо илмининг устоди Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Бадахший, шоир ва вазир Шайх Аҳмад Сухайдий, шоир ва ноиб Амир Камолуддин Ҳусайн Туфайлий, шатранж пири ва латифагўй Мавлоно Фасихуддин Соҳибдоро эдилар.

Ҳиротга келган Хожа Дехдор Алишербек даргоҳига йўл топишда унинг дўстлари кўмагига умид боғлаганди. Вазирларни восита қилиш иложи бўлмади. У Мавлоно Бадахший ва Мавлоно Соҳибдороларга учрашиб кўрди, улардан ҳам жўяли гап чикмади. Мавлоно Бадахший меҳмон йигитни ҳар тарафдан имтиҳон қилиб кўрмасин, унинг ақли заковатига қойил қолди. У, «бу озарлик Мир ҳазратларига яқин бўлса, бизнинг обрўйимиз қолмайди, яхшиси, уни Алишербек билан учрашувдан қайтармоқ лозим», деб ўйлади-да, тескари маслаҳат берди. Мавлоно Соҳибдоро ҳам жавобни мужмал қилди. Хожа Дехдор буларнинг ғайирлик қилаётганини тушуниб, ҳеч кимнинг воситасисиз шоир билан кўришмоққа бел боғлайди.

У кўп оворагарчиликдан сўнг, бир куни тонг қоронғусида Алишербек чорбоғига кириб, унинг уйдан чиқишини пойлайди. Шоир эрталаб одатича боғ айлашишга чикқанда, бир шарпа ўзи томон келаётганини кўриб чўчийди ва қаттиқ овоз билан «Қимсиз, менинг

хузуримга нега келаётирсиз?» деб сўрайди. Шунда Хожа Дехдор тиз чўкиб, «Мен ўзимни таърифи жоме ва моне қилиш учун келмоқдамен» деб жавоб қилади. Алишербек жумбокомуз ғалати жавобдан ҳайрон қолиб, «Яқинроқ келинг. Айтинг-чи, таърифи жоме ва моне, нима деганингиз? Маъниси недур?» деб сўрайди.

Хожа Дехдор шоир олдига келиб, салому алик ва таъзим бажо қилади-да, ўзини таништиради:

— Аввало, мен ҳофиздурмен. Бир-икки байт шеър, дағи ашула ҳам айта олурмен,— дейди у,— овозимни эшитганлар сел бўлуб, вовайло қилурлар. Яна қисса-хондурмен, хикоятларим тингловчини эритиб, беҳуш қилур. Дағи бир ожизлигим бордур,— қушлар хониши-ю, бани одам қилиғин такрор қилурмен — муқаллиддурмен. Нечоғлик илму хунардин огоҳдурмен, имтихон қилинурда билинур. Даллок¹ асрорин дағи билурмен, кимнинг танида ғубори бўлса, холос этурмен. Таббоҳ² амалинда ажиб ихтиройим бордур...

Алишер Навоий унинг сўзларини тингларкан, меҳмоннинг гаплари самимийлигини тушуниб турарди.

— Эй азиз зот, айтганинг фазлу хунардин бири ҳам кифоядур,— деди у меҳмонга кучоқ очаркан,— эмди биз учун сендек анису жалис³ бўлмайдур.

Алишербек шу куни жами хешу акраболарини уйига тилатдиради. Аҳли мажлис жам бўлгач, озарлик меҳмон санъату хунарини намойиш қилади. Хожа Дехдор газал ўқий бошлайди. Унинг майин, сеҳр тўла овози йиғилганларни ўзига ром этади. Қосим Анварнинг дилкаш ва серкиноя байтлари юракларни чулғаб олади. Асли озарбайжонлик бўлган, Шоҳруҳ мирзо замонида Ҳиротда яшаб, салтанатга тил тегизгани учун қувғин этилган Қосим Анвар шеърлари бу хона-

¹ Массаж

² Пазандалик

³ Яқин дўст, ҳамсухбат

донда Алишербекнинг болалигидан буён мусаллам ту-
тиларди. Меҳмон йигит Қосим Анварнинг:

Риндему ошикему жаҳонсўзу жомо чок,

Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок¹.—

байтларини ўқий бошлаганда чордана куриб ўтир-
ган шоирнинг кўзларида ёш айланди. Хожа Дехдор бу
ғазални Алишербек уч ёшида ёд олганини билмасди...

Уша кунни азиз меҳмон шарафига ўн бешта кўй
сўйилади: Хожа Дехдор пазанда сифатида хил-хил
таомлар пишириб, мезбонларни қойил қолдиради. Зиё-
фатда ҳозир бўлган Мавлоно Бадахший билан Соҳиб-
доро овоз чиқармай, мулзам ўтиришади.

Шундан бери ўттиз йилга яқин вақт ўтиб кетди.
Новча, ориқдан келган, кўкиш соқоли ўзига ярашиқли
Хожа Дехдор соҳиби илмлар пешқадами, Алишербек
туфайли шох ўрдасида ҳам эркин. Уни саройдагилар
«Ҳазрати Хожа Ҳофиз» деб атайдилар.

Улар Оби чакон кўприги устига етиб тўхтадилар.
Бирини ушоқ, бирини баланд жуссали бу икки зот кўприк
устидан ёнма-ён турарди. Улар доим бирга. Айниқса шу
йилларда, ёшлари олтмишни қоралаганда, бир-бирла-
рига суяниб қолганлар.

Ҳазилгўйлар, кўпроқ Алишербек ҳақида кочирим-
лар топишга уста сарой ахли уларнинг дўстлиги ҳақи-
да турли латиғалар тўқиган. Бу латиғаларда озгина
уйдирма бор, дейилмаса, кўпи аслида бўлган воқеалар.
Шулардан бириси Алишербекнинг иниси Дарвеш Али-
нинг Балх можароси ҳақида. Бундан етти-саккиз йил
муқаддам Балх ҳукумати Хусайн Бойқаронинг ўн-ўн
бир ёшлардаги ўғли Иброҳим мирзода бўлиб, вилоятни
унинг номидан Дарвеш Али идора қиларди.

¹ Риндмиз, ошиқмиз, жаҳон ўртовчи ва ёқавайронлармиз,
Сенинг ғаминг турганга, дунё фикрини қилишдан не фойда

Дарвеш Али ўжар феълли, кам ўйлов ва жажли тез киши эди. У султон Хусайннинг ўз яқинларига нисбатан тутаётган ўгайлаш сиёсатидан каттиқ норози эди. Кўп йиллар Хоразм вилоятини бошқарган, шоҳона фармонларда «Амир Низомиддин Бахлул» деб улуғланган катта оғаси, мана неча йилдирки, пойтахтга чақириб олинганча, уйдан чиқмай, гўшанишин бўлиб ўтирибди. Дарвеш Али унинг уй маҳбуси бўлиб қолганидан куйинар, шоҳнинг инояти билан бош вазирлик мансабига кўтарилган Маждиддин Муҳаммаднинг хонадонига ўтказаетган киши билмас ситамлари ортиб бораётганини ўйласа, баданидаги ҳар туки найзага айланарди.

Узункулоқлар сарой миш-мишларини Балхга етказиб турарди. Шеърлари Мағрибу Машрикка ёйилган, Хуросон ва Мовароуннаҳрда обрў-эътибори, молিদунёси Хусайн Бойқароникдан қолишмайдиган суйикли оғаси Алишербек устида ҳам қора булутлар яна қуюклаша бошлади. Неча ойки, у саройга қадам босмай қўйибди. Султон Хусайн ҳам Маждиддин раъйдан ўтиб, уни йўқлатмас эмиш. Бу яқинда ҳам тоғаси, ҳам қайноғаси, Хусайн Бойқаронинг ноибни бўлиб турган шоир Туфайлий бемисл тухмат билан саройдан қувилибди. Дарвеш Али бош вазирнинг Алишербек қавм-қариндошларини пароканда қилишга бел боғлаганини, энди навбат ўзига келиб қолганини тушуниб турарди.

Дарвеш Алининг кўнглидан бир шумлик ўтади. У Балхнинг чапдаст оҳангарига Султон Хусайннинг бодома муҳрини айнан ўзидай қилиб ясатдиради. Сўнг, Хусайн Бойқаронинг номидан фармони олий тайёрлаб, уни Иброҳим Мирзо қароргоҳига етказдиради. Фармон шахзода қасрида шубҳа уйғотмайди. Шоҳона муҳр ҳам, Султоннинг ўз қўли билан қўядиган махсус белги — тавқий ҳам аслига монанд эди. Иброҳим мирзо

хукми олийга мувофиқ эртасига ўз яқинлари хамроҳлигида пойтахт сафарига отланади.

Кутилмаганда шахзоданинг Ҳиротга подшоҳ руҳсатисиз келганидан ажабланишиб, сабабини сўрайдилар. Иброҳим Мирзо «Султон отамиз Балхни Дарвеш Алибекка топшириб, хузуримга тез етиб келсин, янги вилоятга тайин қилинур, деб амр қилибтурлар», дейди. Саройдаги хайрат подшоҳ девонхоналарига кўчиб, амирлар, вазирлар томонидан турлича талкин қилина бошлайди. Бунинг устига Балхдан Дарвеш Алининг салтанатга қарши душманлик мақомида эканлиги хабарлари етиб кела бошлайди. Дарвеш Алининг Балхни ўзбошимчалик билан тортиб олгани, қўл остидагиларни ғалаёнга тайёрлаётгани Султон Ҳусайнни ғазаб отига миндиради.

Бу воқеа юз берган пайтда Алишер Навоийнинг Астрободдан қайтиб келганига икки йилча бўлиб қолган, султон билан шоир орасига тушган совуқчилик барҳам топмаганидек, илиб ҳам кетмаган эди. Шундай қалтис вазиятда Дарвеш Алининг салтанатга қарши кўтарилиши шоҳ билан шоирни боғлаб турган сўнги ришталарни узиб юбориши ҳеч гап эмасди.

Сарой устуни бўлган бош вазир Мажиддин Муҳаммад Дарвеш Алининг «Бу шўришидин тожу тахтга хавф улугдур. Зероқим, исён туғин кўтармоқ бир китобдорнинг илкидин келмағай», деб можаро сабабини Алишер Навоийга боғлаган эди. У ўз мақсадига эришган, исён деса талвасага тушадиган султонга олов хавфини юз чандон катталаштириб кўрсатишга муваффақ бўлганди.

Қаҳр-ғазабга тўлган Ҳусайн Бойқаро шоирни зудлик билан саройга чорлаб, таъна-тазарруни ҳаддидан оширади. Укасининг қилмишидан, қалтис ишга қўл урганидан Алишер Навоий қаттиқ койинади. Ҳарчанд уринса-да, фитнадан хабарсиз эканлигига султонни инонтира олмайди. Шунда шоир билан бирга келган

Хожа Дехдор орага тушиб, «Онхазрат, ижозати олий-ингиз бўлса, нобакор кулингиз Дарвеш Алини занжирбанд қилиб хузурингизга келтирғаймен», дейди. Унга рухсат берилади, Хожа шу куниёқ Балхга жўнаб кетади.

Балхга бориш йигирма-йигирма беш кунлик йўл бўлганидан, Хусайн Бойқаронинг бетоқатлиги ортиб, Алишер Навоийни ўзи билан бирга олади-да, қўшин билан йўлга чиқади. Мажиддиннинг қутқулари, севимли малика Хадича бегимнинг тезлашлари зое кетмаган эди. «Иззатини билмаган» Дарвеш Алига нисбатан ғазаби тўлиб-тошган шоҳ Мурғоб дарёсига етганида, Балхдан қайтиб келаётган тадбиркор Хожа Дехдор ҳар эҳтимолга қарши Дарвеш Алини орқада қолдириб, Хусайн Бойқаро хузурига келади:

— Онхазрат, ожиз кулингизни олиб келибдурмен. Йўлда темирчи топиб кишан буюрибмен, ваъда қилғонимдек, ани занжирбанд кўрғайсиз,— дейди у таъзим қилиб.

Дарвеш Алининг қайсарлигини биладиган султон Хусайн Хожа Дехдорнинг кўлидан бу иш келмайди, аксинча, суюкли малика Хадича бегим айтганидек, Хожа иккаласи гапни бир жойга қўйиб, Озарбайжонгами, ёки Маккагами қочиб кетади, деб ўйлаган эди. Қўшин тортишининг боиси ҳам шунда эди. Хожа Дехдорнинг сўзи устидан чиққани шоҳнинг марҳаматини ийдириб юборадими, ёинки, оқибати салтанат учун ёмон бўлишини ўйлабми, ҳарқалай, подшоҳга қарши кўтарилиб, гуноҳи азимга йўл қўйган Дарвеш Али бундай пайтда бериладиган оғир жазодан қутилиб қолади.

Бу воқеани нақл қилувчилар гап шу ерга етганда шивирлашга ўтади. Дарвеш Али ўлимдан нечун қутилиб қолди? Султон Хусайн Алишербекнинг юзидан ўтолмадими, ёинки Дарвеш Алининг сандиқ-сандиқ олтиллари иш бердими?

Дарвеш Али Хусайн Бойқаронинг феълини билар-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/5606> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ
версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/5606>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/5606>